

МИН СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ХИТОЙДА МУСУЛМОНЛАРНИНГ ЎТРОҚЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ

ПРОЦЕСС РАССЕЛЕНИЯ МУСУЛЬМАН В КИТАЕ В ПЕРИОД ДИНАСТИИ МИН

THE PROCESS OF SETTLING MUSLIMS IN CHINA DURING THE MING DYNASTY

Odiljon ERNAZAROV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

*PHD in history, Senior lecture of the UNESCO chair
on religious studies and the comparative study
of world religions,*

o.ernazarov@iiu.uz

11 A.Kadiri, Tashkent 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2021/4/11

Аннотация: Мақолада XIV-XVI асрларда Хитойдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароит, исломни Хитойда ёйилиши ва унинг маҳаллий муҳитга мослашуви, мусулмон халқларнинг мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштироки ҳамда уларнинг маҳаллий маданиятга уйғунлашув жараёнида таълим-тарбия ҳолати ҳақида маълумот берилган. Бу давр мобайнида мусулмонларнинг “Марказий Осиёдан кўчиб келган жамоа” статуси Хитойда муқим ўрнашган “этник озчилик” номига ўзгарди. Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида Шанхай ва Ганьсудаги дунган миллатига мансуб аҳоли миқдори янада ошди. Мин императорлари мусулмонларга муайян диний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинлар тақдим қилганлар. Аксарият мусулмонлар Мин қўшинида хизмат қилиб, юқори ҳарбий ва фуқаролик позициясини эгаллашган. Мин императорларидан Мин Тайцзу ҳукмронлиги йиллари мусулмон жамоаси учун ижтимоий мавқе жиҳатидан “кўчиб келганлар” (outsiders)дан “муқим жойлашганлар” (insiders)га айланиш даври бўлган. Бундан ташқари, ушбу давр мусулмонлар нисбатан хитой маданий нормаларига мослашиш ёки хитойлашув (sinicisation) жараёнини бошдан кечириш даври сифатида тавсифланади. Шу жиҳатдан, Мин сулоласи мобайнида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган мусулмон жамоалари маданий ўзгаришларга юз туттиган. Мин даврида мусулмонларнинг жамиятга интеграциялашувида ҳудудий фарқлар кузатилган. Масалан, Хитойнинг шимолий ва жануби-ғарбий ҳудудларида истиқомат қилувчи мусулмонлар маҳаллий шароитларга тўлиқ мослашган. Шимолий-ғарбий ҳудудлардаги мусулмонлар эса этник ва диний ўзига хослик, дунёқараш ва турмуш тарзини сақлаб қолишган.

Таянч сўзлар: Тан, Сун, Юан, Мин, Цин, дунган, “жанублик мусулмонлар”, “дунганлар дини” (Хуэй-Хуэй Жиао), “Хитойда яшайтган хорижлик” (Зу Тан), маҳаллий мусулмонлар (Фан Кэ), табақа тизими (сему), Мин Тайцзу, хитойлаштирув, “мусулмонлашган ханлар”, “Ислом асосларига тўғри шарҳ”.

Аннотация: В статье представлены сведения о социально-политических, экономических и культурных условиях Китая в XIV-XVI веках, распространении ислама в Китае и его адаптации к местной культуре, участии мусульманских народов в социальной, экономической, культурной жизни, а также о роли образования и воспитания в процессе их ассимиляции. В этот период статус мусульман как «общины, переселившейся из Средней Азии» сменился на название «этническое меньшинство», прочно обосновавшееся в Китае. Во времена правления династии Мин мусульманское население хуэй в Шанхае и Ганьсу увеличилось еще больше. Императоры Мин предоставили мусульманам определенные религиозные, политические, экономические и социальные свободы. Большинство мусульман служили в армии династии Мин и занимали высокие военные и гражданские должности. Правление Мин Тайцзу, одного из императоров династии Мин, было периодом социальных изменений для мусульманского сообщества от «чужих» к «своим». Кроме того, этот период описывается как период, когда мусульмане относительно адаптируются к китайским культурным нормам или переживают процесс китаизации. В связи с этим в мусульманских общинах, живших мирной и благополучной жизнью во времена династии Мин, произошли культурные изменения. В период Мин наблюдались региональные различия в интеграции мусульман в общество. Например, мусульмане, проживающие в северных и юго-западных районах Китая, были полностью адаптированы к местным условиям. А мусульмане Северо-Запада сохранили этническую и религиозную идентичность, мировоззрение и образ жизни.

Ключевые слова: Империя Тан, империя Сун, империя Юань, империя Мин, империя Цин, хуэй, “мусульмане на юге”, “религия хуэй-хуэй” (Хуэй-Хуэй Жиао), иностранец, живущий в Китае (Зу Тан), мусульмане иностранного происхождения (Фан Кэ), кастовая система (сему), Мин Тайцзу, китаизация, мусульманизированные ханьцы, “Правильное толкование основ ислама”.

Abstract: The article presents information about socio-political, economic, and cultural conditions of China in the XIV-XVI centuries, the spread of Islam in China and its adaptation to the local environment, the participation of Muslim nations in the social, economic, cultural life, and educational process of the country. During this period, the status of Muslims as a “community migrating from Central Asia” changed to the name of an “ethnic minority” firmly established in China. In the reign of the Ming Dynasty, the Hui Muslim population in Shanghai and Gansu increased even

more. The Ming emperors granted Muslims certain religious, political, economic, and social freedoms. Most Muslims served in the Ming army and held senior military and civilian positions. The reign of Ming Taizu, one of the Ming emperors, was a period of social change for the Muslim community from outsiders to insiders. We can describe this period as a period in which Muslims are relatively adapting to Chinese cultural norms or experiencing a process of sinicization. In this regard, Muslim communities that lived peaceful and prosperous life during the Ming Dynasty underwent cultural changes. During the Ming period, regional differences were observed in the integration of Muslims into society. For example, Muslims living in the northern and southwestern regions of China were fully adapted to local conditions. Muslims in the Northwest, on the other hand, had maintained ethnic and religious identity, worldviews, and lifestyles.

Key words: Tang dynasty, Song dynasty, Yuan dynasty, Ming dynasty, Qing dynasty, hui, “Muslims in South”, “religion of Hui-Huis” (Hui Hui Jiao), foreigner living China (Zhu Tang), foreign-born muslims (Fan Ke), caste system (semu), Ming Taizu, sinicisation, “accustomed hui”, “True Commentary on the Orthodox Faith”.

КИРИШ

Замондош исломшунос ва диншуносларни ислом динининг дунё бўйлаб тарқалиши ҳамда унинг Шарқий Осиёдаги тарихи, таълимоти ва замонавий дунё шароитларига мослашув жараёнида мусулмонлар эришган ютуқ ва қийинчиликлари тўғрисидаги тадқиқотлар қизиқтириб келган. Мазкур тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, биринчидан, уларда ислом динининг хронологик ва географик жиҳатдан тарқалиши, унинг турли минтақаларда ўзига хос шаклда ёйилиши ва мослашуви натижасида “Марказий Осиё исломи” (Wolters A., 2014:4), “Шарқий Осиё исломи” (Lee, Hee-Soo, 2002:57-74) каби тушунчалар шаклланган. Иккинчидан, мавзу бўйича ўрганилган илмий манбаларда Шарқий Осиё давлатлари, хусусан, Хитой, Корея ва Японияга доир тадқиқотлар қамрови сон ва ҳажм жиҳатидан фарқланади. Масалан, “Хитойда ислом” мавзуи тадқиқотчилар томонидан нисбатан кенг ва атрофлича ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, бу ҳолат манба ва адабиётларнинг салмоғида ҳам кўзга ташланади. Мазкур адабиётларнинг бир гуруҳида исломнинг Хитойга кириб келиши, мусулмон жамоаларининг шаклланиши, маҳаллий маданият билан муайян исломий анъаналарнинг мослашуви объектив равишда ёритилган бўлса (Dillon M., 1999:17), бошқа бир гуруҳида эса ислом динининг Хитойдаги илк тарихидан тортиб, то ҳозиргача бўлган давр оралиғида мусулмонлар дуч келган муаммолар таҳлил қилинган (Atwill David G., 2005:75).

УСЛУБЛАР

Шарқий Осиё минтақасида ислом динининг тарқалиши бўйича ўрта аср мусулмон алломаларининг тарих, география, астрономияга оид асарлари билан бирга, Хитой, Корея, Япония архивларида кўплаб тарихий солнома ва сафарномалар сақланиб келмоқда. Мазкур манбалар мавзуга оид тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий муҳит ҳақидаги маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Улардан Хитойда ислом динининг ёйилиши босқичлари, ўлкада тарафдорлари кўпчиликдан иборат буддавийлик, конфуцийлик, даочилик таълимотлари орасида уларнинг муштарак эътиқодий қарашларига мослашиш орқали мусулмон жамоалари шаклланганлиги юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда (Broomhall M., 2012:31). Айни пайтда, ушбу минтақада мусулмонлар камчиликини ташкил қилиши ва баъзи мутаассиб гуруҳлар фаолияти таъсирида исломофобиянинг ёйилиши сабаблари диний қарама-қаршилик ва маданий идентификациялар ўртасидаги фарқ билан боғланаётганлиги (Fathil, F., & Fathil, F. 2011:135) Хитойда маҳаллий ва мусулмон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи борасида ҳолис ёндашув асосида изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Тадқиқот жараёнида Хитой тарихи, маданияти, диний-фалсафий таълимотлари ва манбалари, мазкур ўлкада ислом динининг тарқалиши ва ривожланишини ўрганишда қиёсий-тарихий, типологик, герменевтик ҳамда адабиётларни комплекс таҳлил этиш усулларида фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Мин сулоласи бошқаруви йиллари (1368-1644) хитойлик тарихчилар томонидан Хитой тарихидаги буюқ сулола деб тавсифланади. Бунинг сабаби муайян асрлик мўғуллар бошқаруви ортидан хитой маданияти устунлигининг қайта таъминланганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун бу ва ундан кейинги манжур-цин сулоласи даври мўғуллардан ташкил топган Юан сулоласига қарши ўлароқ хитой сулоласи бошқарув даври сифатида баҳоланган. Хитойдаги мусулмон жамоалари тарихида Мин сулоласи даври муҳим бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Бу давр мобайнида мусулмонларнинг “Марказий Осиёдан кўчиб келган жамоа” статуси Хитойда муқим ўрнашган “этник озчилик” номига ўзгарди. Доналд Лэслие таъбири билан айтганда, бу даврда “Хитойдаги мусулмонлар” эмас, “хитойлик мусулмонлар” тушунчаси қўлланила бошланди (Leslie D., 1986:105). Юан сулоласи

даврида бўлгани сингари Мин ҳукмронлигида ҳам мусулмон жамоалари мамлакат бўйлаб тарқалишда давом этиб, на Марказий Осиё, на маҳаллий хитой маданиятини такрорламайдиган ўзига хос маданиятни юзага келтиришди. Шу даврдан бошлаб, дунганларга нисбатан “маҳаллий ханлар билан умумий ришталарга эга хитойлик мусулмон синфи” ибораси қўлланилган

Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида Шанхай ва Ганьсудаги дунган миллатига мансуб аҳоли миқдори янада ошди. Мин империясининг дастлабки йилларидан ҳозирги Нинся мухтор ўлкаси таркибидаги Гуюань (Guyuan) каби манзилларга кўплаб дунган¹ жамоалари кўчиб боришган. Кейинчалик ушбу ҳудудлар муҳим мусулмон-дунган манзилгоҳларига айланган. “Мин сулоласи асл ёзувлари” (Veritable Records of the Ming Dynasty) да келган маълумотга кўра, Марказий Осиёдан келган элчи ва савдогарларнинг салмокли гуруҳи айнан бугунги Ганьсу ва Нинся ҳудудларида муқим ўрнашиб қолишган. Ўша даврда Марказий Осиё минтақасини Хитой билан стратегик аҳамиятга эга Буюк Ипак йўли карвон қатновлари боғлаб турган. Марказий Осиё минтақаси халқлари меҳмондўст, бағрикенг фазилатлари билан ажралиб турган (Nematullo Mukhamedov, & Nurulloh Turambetov, 2021:68). Марказий Осиёдан келадиган элчи ва савдогарларнинг Ганьсу ва Нинся ҳудудларида муқим ўрнашиб қолиш жараёнлари XV асрга қадар давом этган. Шунингдек, Хитойнинг жануби-ғарбидаги Юньнан мусулмон-дунган миграциясининг муҳим йўналиши саналган. Ҳатто, дунган халқи ханлар катта нуфузга эга Хитой вилоятларида тарқалишди. Бу ҳолатда даставвал эътироз билдирмаган ханлар, мусулмон қишлоқлари бирин-кетин ташкил топиши натижасида уларга қаршилиқ кўрсатишга ўтишди.

Мўғуллар асос солган Юан империяси 1368 йил Мин сулоласи вакили Зу Юанзанг томонидан тор-мор этилгач ҳам баъзи мусулмонлар мўғулларни қўллаб-қувватлашни давом эттирдилар. Янги император Зу Юанзанг (асл исми Мин Тайцзу, императорлик титули Хонгву)нинг мусулмонларга муносабати турлича кечди. Масалан, бир томондан, у мусулмонларнинг аждодларидан Пу Шоукен Цюаньчжоуда мўғуллар тарафидан Сун сулоласи даври урф-одадлари бекор қилиниб, кўплаб Сун аслзодаларининг қатлида иштирок этганлигини пеш қилиб, уларга таҳқиромуз муносабат билдирган. Бошқа томондан, 1368 йил мўғул ва семурен¹лардан иктидорли ва расмий

вазифаларга тайинлаш мумкин бўлганлари ҳақида фармон чиқариб, ушбу асосида 1369 йил янги тақвим ишлаб чиқиш учун ўн бир нафар мусулмон астрономи хизматидан фойдаланган.

Шарқшунос Юсуф Ҳажжи Чангга кўра, Мин сулоласи даврида мусулмонлар муайян эркинликларга эга, бунинг сабаби императорнинг аслияти (background) билан боғлиқ: “Зу Юанзанг – Мин Тайцзу Аньхойдаги мўғул Таммачи ҳарбий бўлинмаси офицерининг авлодидир. Юан сулоласи тугатилгач, ханлар томонидан мазкур сулола фаолиятини ташкил қилишда мўғулларга ҳамкорлик қилган мусулмонлар таъқиб остига олинган. Лекин, шунга қарамай, Мин императорлари уларга муайян диний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинлар тақдим қилганлар. Уларнинг мингдан юзтаси Мин кўшинида хизмат қилганлар, улардан кўпчилик юқори ҳарбий ва фуқаролик мавқеини қўлга киритишган. Айни пайтда, императорлар ханларни мусулмонларга нисбатан чуқур нафратини синдириш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида уларни тўлиқ хитойлаштириш (sinoized) сиёсатини олиб борганлар. Мисол учун, император мусулмонлар олдида хитой мактабларига бориш, хитой тилида сўзлашиш, хитой анъанавий либосларини кийиш, хитойча исмлар билан номланиш ва хитой аёлларига уйланиш мажбуриятини юклаган. Мин императорларининг исломга илиқ муносабатлари сабабини очиқлайдиган яна бир маълумотга кўра, император Зу Юанзанг аёли, қиролича Ма Хоу мусулмон бўлган ва унинг бир қатор киз ва ўғиллари ҳам мусулмонлар билан турмуш қуришган. Бундай қулай сиёсий шароит, 276 йил давомида мусулмонлар учун тинч, фаровон ва бахтли ҳаётни кафолатлаган. Яна маълумот шуки, Мин Тайцзу мусулмон бўлганлиги Мин тарихида қатъий яширилган, бу нарса олти аср давомида хитой тарихчи ва олимлари учун номаълум бўлиб келган” (Chang, Yu., 1987:62-78).

Мин Тайцзунини мусулмон сифатида тавсифлаш ички Хитойдаги аксарият олимлар тарафидан (таиванлик турколог Ма Миндао ушбу фикрни илгари сурган бўлишига қарамай) баҳсли ҳолат дея баҳоланган. Шунингдек, баъзи олимлар фикрича, Тайцзунинг аёли ҳақиқатда мусулмон бўлганлиги мунозарали масала саналади. Тайцзунинг мусулмонларга илиқ муносабат билдирганлиги империя ҳаётида юз бериши мумкин бўлган эҳтимолий зиддиятларни олдини олиш мақсади билан боғлиқ. Бу эса у мусулмон наслига тааллуқли

тикомат қилиши расмий эътироф этилган халқлар “самурен” деб аталган. Хитойдаги мусулмонлар ҳам ушбу ижтимоий таснифда қайд қилинган.

¹ Сему – Хитойда “Юан” номи билан мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда (1270-1368) амалда бўлган ижтимоий табақа номи. Маҳаллий хан ва мўғуллардан ташқари Хитойда ис-

деган фикрни илгари суришга далил бўла олмайди. Аксинча, бошқа манбаларга кўра, у ёшлигида маълум йиллар давомида буддист монастирига қатнаган. Умуман олганда, бу каби баҳсли масалаларнинг юзага келиши Юан ва Мин сулоалари ҳукмронлигининг дастлабки даврида Хитойда кўп миллатли аҳоли таркиби шаклланганлиги билан алоқадордир. Шу жиҳатдан, Мин Тайцзунинг келиб чиқиши Марказий Осиёлик мусулмон шахсларга бориб тарқалганда тақдирда ҳам, унинг мусулмон анъаналарига мос ҳаёт кечирганлиги ёки ислом динига оид бирор маросимда иштирок этганлиги ҳеч бир манбада қайд этилмаган.

Мин Тайцзунинг этник келиб чиқиши қандай бўлишига қарамай, Мин сулоласи ҳукмронлиги йиллари мусулмон-дунган жамоаси учун ижтимоий мавқе жиҳатидан “кўчиб келганлар” (outsiders)дан “муқим жойлашганлар” (insiders)га айланиш даври бўлди. Бундан ташқари, мусулмонлар учун ушбу давр хитой маданий нормаларига мослашиш ёки хитойлашув (sinicisation) жараёнини бошдан кечириш даври сифатида тавсифланади. Шу жиҳатдан, Мин сулоласи мобайнида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган мусулмон жамоалари маданий ўзгаришларга юз тутдилар. Улардан баъзилар маҳаллий шароитга мослашиб, ҳатто мусулмонлик идентификациясининг йўқотдилар. Улардан аксарият XX асрга келиб энг камида ўзларининг хан қўшнилари каби ҳаёт тарзига ўтдилар. Кўплаб мусулмонлар билан боғлиқ Юан даврида бошланган форсча, туркча ва арабча исмларни яхлит хитойча ўзгартириш амалиёти Мин даврида такомилга етди. Мисол учун, Пекин чорва бозори ҳудудида истиқомат қиладиган чорвадор мусулмон киши бир сафар фамилиясини Янг (“кўй” маъносидаги хитой иероглифи билан ифодаланган), Шаньдунга кўчиб боргач эса маҳаллий хитойлик (хан)лар фамилиясига мувофиқ равишда яна Янг (“терак дарахти” маъносидаги хитой иероглифи билан ифодаланган)га ўзгартиради. Шунингдек, жамиятдаги мусулмон бўлмаган халқ (хан, мўғул ва бошқа)лар билан никоҳ орқали яқин алоқаларни боғланиши мусулмон-дунган миллатининг маданий хусусиятларига таъсир кўрсатмай қолмади. Бу жараёни янада жадаллаштириш мақсадида, ўз даврида, Мин Тайцзу Хитойдаги мўғуллар ва “сему” ижтимоий гуруҳ таркибига кирувчи мусулмон халқлар ўзаро никоҳга киришмай, балки кўпроқ ханлар билан турмуш қуришлари кераклиги ҳақида фармон чиқарди. Аслида, ушбу фармон орқали кучларни тарқоқ қилиш кўзланган бўлса-да, мусулмонлар осон ва тўлиқ хитой жамиятига мослашишга эришдилар. Яъни, мазкур фармон

ўзини акс таъсирини кўрсатди: мусулмонларни бошқа халқлар билан турмуш қуриши натижасида мусулмон аҳоли сони кўпайишда давом этди. Ушбу жараён шу тақлид кечдики, янги мусулмонлар таркибини мусулмон эркакларга турмушга чиққан хан аёллари ҳамда мусулмон аёлларга уйланишдан аввал ислом динини қабул қилган хан эркаклари ташкил қилишди. Қолаверса, бундай маданий ассимиляция таъсирида жамиятда форс ва араб тилларининг нуфузи пасайиб, хитой тили мўтадил ва асосий алоқа воситасига айланди. Манбаларда келишича, 1536 йилга келиб мусулмонларнинг Куръони каримнинг асл арабий матнини ўқиб тушуниш салоҳиятлари анча пасайган эди. Аксинча, Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида илк маротаба хитой тилида ислом дини таълимоти ва маросимларига оид маълумотларни қамраб олган нуфузли китоблар ёзилди.

Мин даврида мусулмонлар жамиятга интеграциялашувига қарамай, бу ҳолат уларни маҳаллий (хан) маданий характерига тўлиқ мослашганлигини англатмайди. Чунки, регионлар бўйича олиб қараганда, мусулмонларнинг маҳаллий ханлар билан муносабатлари сезиларли даражада фарқ қилган. Масалан, Хитойнинг шимолий ва жануби-ғарбий ҳудудларида истиқомат қилувчи мусулмонларнинг маҳаллий шароитларга тўлиқ мослашуви кузатилган бўлса, шимолий-ғарбий ҳудудлардаги мусулмонлар ҳақида ушбу фикрни билдириш қийиндир. Чунки мамлакатнинг бу қисмида мусулмонлар турли ижтимоий-маданий шароитларга қарамай, ўзига хос дунёқараши ва турмуш тарзини сақлаб қолишга эришганлар. Юан сулоласи мобайнида Хитойдаги мусулмонлар тил ва урф-одат жиҳатидан “сему” ижтимоий синфининг турли гуруҳларига мансуб бўлган бўлсалар, Мин сулоласи ҳукмронлиги охирига келиб, эътиқодан мусулмон, лекин асосан хитой тилида сўзлашадиган янада яхлит жамоа айланишди.

НАТИЖА

Мин сулоласи ҳукмронлигининг илк кезлари Хитой бўйлаб мусулмонларни кенг тарқалишида Мин Тайцзу томонидан олиб борилган ҳарбий юришлар катта ўрин тутди. Зотан ушбу юришлар асносида унинг лашкарбошилари муқаддам мўғуллар тасарруфида бўлган ерлар устидан тўлиқ назоратни ўрнатдилар. Юньнанни эгаллаш билан тугаган шундай юришлардан бири Му Ёинг (Mu Ying) номига алоқадордир.

Му Ёинг (1345-1392) Аньхой (Anhui) провинциясининг Динюан (Dingyuan) таваллуд

топган. Етти ёшида ота-онасидан етим қолган. Бошқа ота-оналаридан айрилган болалар қатори у ҳам Зу Юанзан (Zhu Yuanzhang) томонидан боқиб олиниб, Зу Венйинг исми билан улғаяди. Ёшлигидан ҳарбий жасорат кўрсатган Зу Венйинг йигирма икки ёшида Жинжиангдаги ҳарбий гарнизон бошлиғи этиб тайинланган. Ривоятга кўра, айти шу пайтда, Зу Юанзан ўзининг боқиб олган ўғил фарзандларига уларнинг асл отаси эмаслигини ошкор қилиб, уларни илк исмларига қайтишни талаб қилган. Му Ёинг дастлаб Фуцзянь (Fujian), кейин Мин империясининг янги пойтахти Нанкин (Nanjing)да боқиб олган отасига ҳарбий юмушлар бўйича хизмат қилиб юрди. 1377 йил, у ҳозирги Цинхай ва Сычуань провинцияларига яқин жойда Мин ҳукуматида бўйсунидан бош тортган тибетлик амалдорларга қарши курашда Зу Юанзан лашкарбошилари билан бири Денг Ю ўринбосари этиб тайинланган. Ҳарбий юришдан қайтишда Денг Ю вафот этгач, унинг ўрнини Му Ёинг эгаллайди ҳамда “маркиз” (hou) унвони ва 2,500 пикул (1 пикул 60 кг) гуруч ойлик маошига сазовор бўлган.

1378 йил Му Ёинг такроран шимоли-ғарбга, Мин сулоласи ҳукмронлиги қўллаб-қувватлашни истамаётган ўн саккиз этник гуруҳ вакиллари билан иборат “Барбар қўриқчилари” кўзғолонини бостириш учун жўнатилган. У Ганьсунинг жанубий-ғарбидаги Таочжоу (ҳозирги Линтан) яқинида муҳим ҳарбий ғалабани қўлга киритди ва доимий ҳарбий гарнизон ташкил қилиб, хитойлик ҳамда тибетлик аҳоли истиқомат қиладиган ушбу чегара ҳудудида илк маротаба Мин сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилишига ўз ҳиссасини қўшди. Тан сулоласи давридан буён Таочжоунинг эски қисми бўлиб келган мазкур жойлар кейинчалик чегара ҳудудидаги асосий савдо шаҳрига айланди. Асосан чой ва от савдосига ихтисослашган тижорат ортидан моддий ҳаёти яхшилана борган шаҳар аҳолиси тадрижий равишда илмий ва маданий тараққиётга ҳам юз тутди. Му Ёинг Таочжоунинг эски қисми шарқий томонига янги шаҳарни бунёд қилди. Бу шаҳар ўз замони ва макони учун маъмурий, иқтисодий ва маданий марказ вазифасини бажарди. Тарихий манбаларда келган маълумотларга кўра, Му Ёинг қўшини таркибида мусулмонлар ҳам кўпчиликти ташкил қилишган, улар Таочжоунинг эски шаҳар қисмида масжид бунёд этиб, маълум вақт ўтгач ушбу масжидни Мин сулоласи императорларидан Хонгву ҳукмронлиги пайтида (dingwei year) қайта таъмирдан чиқаришган. Манбаларда қайд этилишича, Таочжоу/Линтан Ғарбий Хитойда исломнинг муҳим “қўрғони” бўлиб келди ҳамда XVIII-XIX асрларда

“Хидаотанг” (Ғарбий йўл айвони) ноанъанавий исломий сектанинг асосий марказига айланди.

Хитойнинг энг чекка жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган Юньнан (Yunnan) 1370 йилларда ҳам Мин империяси таркибига қўшиб олинмаган эди. Бу ҳудудда асосан тибет-бурма тил оиласига оид лахжада сўзлашувчи халқлар истиқомат қилган бўлиб, ўша даврдаги ҳудуд раҳбари мўғул шахзодаларидан Басалаварми (1382 йил вафот этган) хануз Юан сулоласига садоқатини намоён қилётганди. Ҳудудни тинч йўл билан эгаллаш учун император томонидан юборилган Ванг Вэй (1323-1374)нинг дипломатик миссияси муваффақиятсизликка учраб, у 1374 йилда қатл этилди. Мазкур воқеадан сўнг, 1381 йил император Юньнани Мин империяси таркибига узил-кесил қўшиш мақсадида Кунмин (Юньнан маъмурий маркази)га Фу Юде бошчилигида ҳарбий қўшин жўнатади. Ҳарбий юриш муваффақиятли тугаб, Кунмин ишғол этилгач, Басалаварми ўз жонига қасд қилган. 1383 йил Фу Юде ортга Нанкинга чақирилгач, Юньнанда императорнинг ноиб сифатида Му Ёинг тайинланган. Унга ҳукумат ва ҳарбий қўшин бошлиғи ўларок бир қатор ваколатлар берилган. Бундан ташқари, Нанкиндаги Мин марказий ҳукумати Юньнанда Му Ёинг қўл остида хизмат қиладиган барча офицерларга моддий ёрдам кўрсатиш, у ердаги вақтинча армияни доимий армияга айлантириш ва армия сафидаги аскарларга наслий имтиёзлар (hereditary ranks) бериш бўйича махсус қарор чиқарган. Юньнан ишғолида Мин империяси қўшини таркибида иштирок этган мусулмонлар аста-секин Кунмин ғарбидаги тоғли районларга жойлашганлар. Тадрижий ўтқоқлашув натижасида кейинчалик мусулмонлар Юньнан шаҳарларидан кўра қишлоқ жойларида кўпчиликти ташкил этдилар.

Хитойнинг жануби-шарқидаги бошқа провинциялар сингари Юньнан ҳам қўшма ҳокимият воситасида идора қилинган. Ўша даврда, бутун Хитой бўйлаб бошқарув тизимида провинция, префектура ва туман миқёсидаги амалдорлардан иборат “учлик” шаклланди. Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида уларга меросий имтиёзлар (tusi) тақдим қилиниб, бу орқали туб аҳоли устидан назоратни таъминлаш кўзда тутилган. Қўшимча равишда, кўпгина этник озчилик минтақаларда одатга айланган “тинчлантириш бўлимлари” (pacification offices, xuanweisi) фаолият юритган. Фуқаролик тузилмаларига қўшимча ўларок, Му оиласи мол-мулклари ва ҳарбий қудрати Юньнани Мин империяси таркибида бўлиши ҳамда хитой маданиятининг бир бўлагига айланишини таъминлаган.

Му қудрати ва нуфузи Мин сулоласининг сўнгги вакили Чонцзен (Chongzhen, 1628-1644) ҳукмронлиги даври ўз ниҳоясини топди. Расмий ва ҳарбий доиралар ичидаги коррупция ва ўзбошимчалик таназзулга сабаб бўлиб, бунинг натижасида бутун Юньнанни қамраб олган “муроса бўлими” комиссари Ша Динчжоу ва Му Ёинг авлодларидан Му Тианбо бошчилигидаги кўзғолон юз берди. Ушбу кўзғолон фақатгина маҳаллий офицерлардани бири томонидан Юньнанга кириш ва у ерда Мин империяси назоратини тиклаш учун чақиртирилган Сун Кеванг ҳаракатлари ортидан бостирилган. Шунга қарамай, Юньнанда вазият ичига тушмади, балки тартибсизлик янада авжига чиқди. Бу эса цин сулоласи ҳукмронлиги илк даврини бошланиши эди.

Юньнанда бўлгани сингари мусулмонларни ўтроқлашуви кузатилган қадимги Хитойдаги ҳудудлардан бири Хунань ҳисобланади. Бугунги кунда Хитойдаги, айниқса, Хунань ва Тяньцзиньдаги кўплаб мусулмон жамоалари Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида юзага келган. Хунаньдаги мусулмон-дунган жамоасининг келиб чиқиши одатда 1368 йил, яъни, Мин сулоласининг илк императори Хонгву ҳукмдорлигининг биринчи йилига тўғри келади. Ўшанда, император қўшини таркибида Хунаньга келган катта миқдордаги мусулмон аскарлар гуруҳи у ерда жойлашиб қолишган. Ўз навбатида, савдо муносабатларининг ривожланиши мамлакатнинг жануби-шарқий қирғоқ бўйи ва Янцзи дарёсининг қуйи оқимига ёндош Тяньцзинь каби ҳудудлардан Хунаньга мусулмон савдогарларини кириб келиши учун тўртки бўлган.

Тяньцзиньдаги энг муҳим мусулмон манзилгоҳи Тяньму (Tianmu) қишлоғи бўлиб, у шаҳарнинг шимолий районларида, Пекин-Тяньцзинь йўлининг ғарб томонида жойлашган. 1990 йил маълумотларига кўра, 20.400 кишидан иборат қишлоқ аҳолисининг 14.500 нафарини мусулмонлар ташкил қилган. Манбаларда келишича, қишлоққа асос солган Му Чонгхэ Мин императорларидан Зху Ди (Zhu Di) нинг хос соқчиси бўлган. 1404 йил Му маҳаллий қароқчи ва йўлтўсарлардан тозалаш учун қўшин таркибида Тяньцзинга келиб, юқоридаги қишлоқ ерларида ўрнашиб яшаб қолган. Асрлар давомида дунган ва хан миллатлари никоҳ ва бошқа муносабатлари сабабидан ҳаёт йўллари боғланиб, ҳатто баъзи ханлар ўз аслий хусусиятларини йўқотиб, мусулмон анъаналарини ўзлаштирганлар (тарихда “мусулмонлашган ханлар” (accustomed huis) тушунчаси шаклланган). XX асрга қадар ҳам Тяньцзинда иккита масжид мавжуд бўлиб, улардан

биринчиси Мин императорларидан Ёонгли (1403-1425) ҳукмронлиги даврида шаҳар шимолида, иккинчиси 1854 йил жанубда бунёд этилган. Юан даври манбаларда келган маълумотларга биноан, бу ерда мусулмон аскарлар ва савдогар Мин сулоласи ҳукмронлигидан анча илгари мавжуд бўлишган.

Мин сулоласи ҳукмронлигининг илк йиллариданок Таицзу томонидан империя пойтахти сифатида жўшқин ва кўп миллатли шаҳар Нанкин танланди. Маълумотларга кўра, 1423 йилда у ерда икки юзга яқин элчи ва савдогар фаолият кўрсатган. Ўша даврда дипломатлар Тонгжименниэдаги “Маълумотлар алмашиш бюроси” (Bureau of Translation)да истиқомат қилишган. Тижоратчиларнинг аксарияти эса Янцзи дарёси қирғоқларига туташ тикланган шаҳар деворлари ташқарида жойлашибган. Нанкиндаги хорижликларнинг кўпчилигини Марказий Осиёлик мусулмонлар ташкил қилган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Мин императорларидан Хонгву ҳукмронлиги даврида шаҳар аҳолиси 500.000 нафар деб кўрсатилган бўлса, шундан тахминан 12 % мусулмонлардан иборат эди.

Бу даврда Нанкинга келган мусулмонлардан бири нуфузли илоҳиётчилардан Ванг Даюю ҳисобланади. Манбаларда зикр қилинишича, у астрономия бўйича “Хуэй империял кенгаши” аъзоси бўлиб, пойтахтда доимий яшаш ва солиқлардан озод бўлиш имтиёзига эга эди. Аслида, бу кенгашга Юан сулоласи даврида тамал тоши қўйилган. Ўшанда, мазкур кенгаш доирасида таъсис этилган астрономик ташкилотга мусулмон ўлкалардан бир қатор фалакиёт илмига доир тадқиқотлар олиб бориш имконини берадиган жиҳозлар келтириб, шу асосда фаолият кўрсатилган. Бу ташкилотнинг фаолияти Мин сулоласи даврида ҳам давом этди. Бу даврда Ванг Даюю аждодларидан бири Мин ҳукуматида амалда қўлланилган мусулмон тақвими ишлаб чиқишда иштирок этган атоқли шахслардан саналади.

Ванг Даюю тахминан 1585 йил таваллуд топган. Унга тегишли фақат биргина “Ислом асосларига тўғри шарҳ” (True Commentary on the Orthodox Faith) асар маълум. Асар муқаддимасидаги маълумотга кўра, муаллиф мазкур асарни тахминан 50-60 ёшлар оралиғида ёзган ва у 1642 нашр қилинган. Ванг Даюю исломий билимларни ёшлигида нанкинлик Ма Жунжи (Ma Junshi) ва Шэньси Куръон мактабининг тўртинчи авлоди Ху Денчжоу (Hu Dengzhou) қўлида олган.

Ху Денчжоу ўз шогирдлари орасида “Улуғ устоз Ху” номи билан машҳур бўлиб, Хитойда исломий билимларни ривожланишида ҳал қилувчи

роль ўйнаган. У Шэньси провинциясининг Вэнань шаҳрида Курьон мактабини таъсис қилган. Бу мактаб илк даврда оз сонли мусулмон-дунган болалари ва Курьон, ҳадис ҳамда фикҳ таҳсилига мўлжалланган курслардан иборат эди. Мактаб дастури мураккаб ўн тўрт курсли тизимдан ташкил топиб, шундан олтида араб тили, қолганларида форс тилидаги матнлардан фойдаланилган. Мактабга қабул қилиш ўқувчининг араб ва форс тилларига нисбатан иқтидори ва салоҳиятига қараб амалга оширилган. Ху Денчжоу мактабидан Хитойдаги мусулмон жамоалари орасида диний таълимни тарқалишига ҳисса қўшган бир қатор шахслар етишиб чиққан. Унинг таълимотларини Нанкинда ёйилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган Ма Жунши ва Ванг Даиэ ҳам шулар жумладандир.

Кўп миллатли (cosmopolitan) Нанкин XVI асрда Хитойдаги ислом маданияти маркази эди. Бу даврда Юан Руки, Лиу Зхи ва Лиу Санжиэ каби мутафаккирлар етишиб чиққан бўлса, Ванг Даию эса конфуцийлик ва буддавий ғоялари ҳамда терминологияси билан йўғрилган исломий тафаккур тизимини ривожлантирди. Илк даврда Ванг ғоялари ислом таълимоти ва фалсафаси мос келмаслиги жиҳатидан мусулмонлар тарафидан эътирозга сабаб бўлди. Лекин кейинчалик Хитойга тасаввуф кириб келиши мазкур тафовутни йўқолишига кўмак берди. Тасаввуф ғоялари XVI асрда Ҳиндистонда катта нуфузга эга бўлиб, у Хитой ички ҳудудларидаги мусулмон жамоаларига Туркистон орқали кириб келди. Ванг Даию, Занг Зонг каби мусулмон олимлари ҳиндистонлик суфий Ашғардан тасаввуфий билимларни ўзлаштирдилар.

Маълумотларга кўра, Ванг тарафидан таълиф этилган “Ислом асосларига тўғри шарҳ” (True Commentary on the Orthodox Faith) асари нафақат мусулмон аҳоли, балки бошқа дин вакиллари учун ҳам мўлжалланган. Ванг қаламига мансуб ушбу асарда кўплаб фалсафий-услубий ва лингвистик муаммолар учрайди. Жумладан, ислом таълимотларига оид тушунчаларни хитой тили нормаларига мослаб таржима қилишда дин фалсафасига мақбул ва номувофиқ жиҳатлар мавжуд. Чунки, Ванг турли динлар муқаддас манбаларини бошқа тилларга таржима қилишда юқоридаги каби муаммоларга дуч келган таржимонлар услубларидан фойдаланган. Айниқса, у буддавийлик диний матнларидаги санскрит ва пали тилларидаги терминларнинг хитойча эквивалентларини яратиб муайян тажриба ҳосил қилган таржимонлар услубларига мурожаат қилган. Ванг Даию устози Ху Денчжоудан фарқли равишда шундай хулосага

келдики, энди Хитойдаги мусулмонлар ҳаётларига тегишли диний ва фалсафий ғоялар асоси сифатида араб ва форс тилларидаги асл матнлардан мурожаат қилмай, балки хитой тилидаги исломий адабиётларга эҳтиёжлари ортган. Бундан кўриш мумкинки, Мин империяси даврида мусулмонларнинг арабча ва форсча ўқиш ва ёзиш саводхонлиги пасайиб, ўз ҳаёт тарзларини хитой анъаналарига уйғунлаштиришга эришганлар. Бошқача айтганда, юқоридаги ҳолат мусулмон-дунганлар учун “қўчиб келган”лардан “доимий яшовчи”лар мақомига ўзгаришни намоён бўлиши эди.

Мусулмон жамоалари Ханчжоудан Тонхианга қадар чўзилган Буюк Канал бўйларида шакллана борган. Улардан кўпчилиги Юан империяси, баъзилари эса Мин императорларидан Йонгле (1403-1424) ҳукмронлиги даврида ташкил топган. Бу ердан мусулмонлар ғарбга Хэнань ва Шаньси провинцияларига кўчиб борганлар.

Буюк Канал бўйида барпо этилган Янчжоу ҳам мусулмонлар илк қадам қўйган Хитой шаҳарларидан бири саналади. Маълумотларга кўра, VII аср Тан империяси даврида мусулмон савдогарлар Фуцзян провинция таркибидаги Цюаньчжоу (Quanzhou) ва Чанчжоу (Changzhou) шаҳарларида кўним топгач, аста-секин Хитой ичкарасидаги шаҳарларга йўнала бошлаганлар. Янчжоудаги дастлабки масжид тахминан 1275 йил Марказий Осиёлик мусулмонлардан Бухаодинг томонидан бунёд этилган. Тарихий манбаларда келишича, Бухаодинг Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан саналиб, Янчжоуга 1265-1274 йиллар оралигида келган. У ва 1278 йил шаҳарга тарғибот мақсадида келган Сағана исмли шахс юқорида зикри келган масжид ҳудудида дафн этилган. Шаҳарнинг эски деворлари устида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бир қатор қабрлар топилиб, қабртошларидаги ёзувлар ва исмлар марказий осийлик ва форсларга оид эканлиги аниқланди. Юан сулоласи ҳукмронлигининг сўнги даврида Янчжоу оғир жанглار майдонига айланди. Айтилишича, шаҳарни тўлиқ эгаллаш мақсадида Зу Юанзанг (Zhu Yuanzhang) армия амалга оширган юриш оқибатида шаҳарда фақатгина ўн саккизта оила жон сақлаб қолган.

Мин Таицзу тарафидан мусулмонларга нисбатан олиб борилган зукко сиёсат ва уларни қўлган киритган янги қонуний мақоми Янчжоу кўплаб мусулмонлар гуруҳларини кириб келишига йўл очди. Ўз навбатида, бу даврда хитойлик мусулмонлар Хитой ва мусулмон ўлкалар ўртасида савдо алоқаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатдилар. Жумладан, Мулла ҳожи (Milli hajji)

исмли шахс Ипак йўлида юқори нуфузга эга Марказий Осиёликлар ҳамда “зираворлар маршрути” ўз қўлида бўлган араб ва форс савдогарлари ўртасидаги муҳим воситачилардан эди. Бу даврда мусулмон тарғиботчилари ҳам Янчжоуда фаол ҳаракатларни амалга оширган бўлиб, улардан Муҳаммад (в. 1464), Жамал уд-дин (в. 1469) ва Фана (в. 1498) кабилар шаҳардаги мусулмон қабристонида дафн этилишган. Юқорида зикр қилинган Янчжоудаги илк масжид Мин империяси даврида икки маротаба қайта таъмирланган. Шундан биринчиси 1380 йил Хасан исмли шахс, иккинчиси 1523 йил Ма Зонхе исмли савдогар томонидан амалга оширилган. Масжиднинг таъмирланган ушбу биноси ҳозирда қадар сақланиб қолган. Мин сулоласидан кейин манжурлар бошқаруви йиллари – улар олиб борган “яккалаш” (isolation) сиёсати оқибатида Янчжоудаги мусулмон жамоаларининг Марказий ва Ғарбий Осиёдаги мусулмон ўлкалар билан алоқалари узилиб қолди (Dillon M., 1999:40).

ХУЛОСА

Мин империяси даврида мусулмонлар Хитой бўйлаб ўtroқлашув жараёнини бошдан кечирдилар. Бу давр мобайнида мусулмонларнинг “Марказий Осиёдан кўчиб келган жамоа” статуси Хитойда муқим ўрнашган “этник озчилик” номига ўзгарди. Хусусан, мусулмон жамоалари шаклланган бир қатор шаҳарлар машҳурликка эришди. Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида Шанхай ва Ганьсудаги дунган миллатига мансуб аҳоли миқдори янада ошди. Мин императорлари мусулмонларга муайян диний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинлар тақдим қилганлар. Аксарият мусулмонлар Мин қўшинида хизмат қилиб, юқори ҳарбий ва фуқаролик позициясини эгаллашган. Бундан ташқари, ушбу давр мусулмонларга нисбатан хитой маданий нормаларига мослашиш ёки хитойлашув (sinicisation) жараёнини бошдан кечириш даври сифатида тавсифланади. Шу жиҳатдан, Мин сулоласи мобайнида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган мусулмон жамоалари маданий ўзгаришларга юз тутишган. Мин даврида мусулмонларнинг жамиятга интеграциялашувида ҳудудий фарқлар кузатилган. Масалан, Хитойнинг шимолий ва жануби-ғарбий ҳудудларида истикомат қилувчи мусулмонлар маҳаллий шароитларга тўлиқ мослашган. Шимолий-ғарбий ҳудудлардаги мусулмонлар эса этник ва диний ўзига хослик, дунёқараш ва турмуш тарзини сақлаб қолишган. Бу даврда ислом дини ва Ғарбий Осиё маданияти таъсири сезиларли пасайган бўлса-да, мусулмонлар истикомат қилаётган шаҳарларнинг

ғарбий осийликлардан иборат аҳолиси ва савдогарлар қатлами уларнинг иқтисодий муваффақияти ва ўзига хос маданияти шаклланишини таъминлади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abdullayeva, Moxira (2018). “Approaches for studying religious process in cyberspace”, *The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 13*.
2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/13>
3. Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020). “Questions of religion and society in the works of Ibn Khaldun”, *The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 1, Article 5*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss1/5>
4. Alimova, Mahfuza (2020). “The contribution of Imam ad-Darimi to the development of hadith science”, *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2, Article 15*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/15>
5. Arnold, Thomas Walker (2006). *The preaching of Islam: a history of the propagation of the Muslim faith*. – USA: Kessinger Publishing, LLC.
6. Atwill, David G (2005). *The Chinese Sultanate: Islam, Ethnicity, and the Panthay Rebellion in Southwest China, 1856-1873*. Stanford: Stanford University Press.
7. Broomhall, Marshall (2012). *Islam in China: A Neglected Problem*. – London: Forgotten books.
8. Chang, Hajji Yusuf. *The Hui (Muslim) Minority in China: an Historical Overview*. *Journal of the Institute of Muslim Minority Affairs*. 1987 8/1. – P. 62-78.
9. Dillon, Michael (1999). *China’s Muslim Hui Community: Migration, Settlement and Sects*. Surrey: Curzon Press.
10. Elman, Benjamin A (2000). *A Cultural History of Civil Examinations in Late Imperial China*. – USA: University of California Press.
11. Ernazarov, Odiljon (2018) “The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty,” *The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 11*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/11>
12. Ernazarov, Odiljon (2020) “The activity of Chinese Muslims in the social, economic and cultural life of the country in the IX-XVI centuries,” *The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 3, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss3/10>
13. Fathil, F., & Fathil, F. (2011). *Islam in minority Muslim countries: A case study on Japan and Korea*. *World Journal of Islamic History and Civilization*, 1(2), 130-141.
14. Isakdjanov, Ramzjon (2019). “Rational principles in Ibn-Sina’s theological education and their characteristic features”, *The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 3, Article 8*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss3/8>
15. Israeli Raphael (2002). *Islam in China: Religion, Ethnicity, Culture and Politics*. – USA: Lexington Books Publisher.

16. Kenneth W., Morgon (1993). Islam – straight path: Interpreted by muslims. – Dehli: Motilal Banarsidass Publisher.
17. Lane, George (2014). [“The Dali Stele”](#). In Kilic-Schubel, Nurten; Binbash, Evrim (eds.). The Horizons of the World. Festschrift for İsenbike Togan: Hududü'l-Alem. İsenbike Togan Armağanı. Istanbul: Ithaki Press. p. 8. Retrieved 24 April 2014.
18. Lee, Hee-Soo (2002). The spread of Islamic culture to East Asia before the era of modern European hegemony. Islam aristirmalari dergisi. Sayı 7.
19. Leslie, Donald Daniel. Islam in Traditional China: A Short History to 1800. – Canberra, 1986.
20. Lewis, Mark Edward (2009). China’s cosmopolitan empire: the Tang dynasty. – London: The Belknap Press of Harvard University Press.
21. Nematullo Mukhamedov, & Nurulloh Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>
22. Nizametdinov, Najmiddin (2019). “The short history of turkic literature of India during the ruling of Baburids (XVI – XVIII centuries)”, The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 3, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss3/15>
23. Radhu, Abdul Wahid (1997). Islam in Tibet: Tibetan Caravans. Louisville: Fons Vitae.
24. Shoujiang, Mi., Jia, You (2004). Islam in China / Translated by Min Chang. – China Intercontinental Press.
25. Turdiyeva, Dilafruz (2020) “From history of malaysien education system”, *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/20>
26. Wolters, A. (2014), The State and Islam in Central Asia: Administering the Religious Threat or Engaging Muslim Communities? PFH Research Papers, 2014-3.